



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ташкилий департамент

Юридик таъминлаш бошқармаси катта юрисконсулти майор:

Шоҳаббос Анварович Тошев.

Аннотация: Мазкур мақолада дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичида экспертизанинг замонавий имкониятларидан фойдаланиш орқали айбдор шахсларни аниқлаб, уларни жиноий жавобгарликка тортиш, жиноят содир этиб, жазодан қочиб юрганларни жавобгарликка тортиш, ҳақиқий айбдорларни аниқлашда экспертиза ташкилотлари билан ҳамкорлик ҳамда мазкур йўналишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритилган.

Калит сўзлар: Дезоксирибонуклеин кислота, суд-биологик экспертизаси, «Геном маълумотлари баъзаси», «Уюшган жиноятчилик ва рецидив жиноятчилиكنинг ДНК бўйича маълумотлари баъзаси».

Бугунги дунёни фан ва техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Барча соҳада компьютер ишимизни енгиллаштираётганини кўришимиз мумкин, бу ҳатто дастлабки тергов давомида ҳам жиноят содир этиб, жазодан қочиб юрганларни жавобгарликка тортиш, ҳақиқий айбдорларни аниқлашда асқотаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Жиноят процессида дастлабки тергов - жиноятни тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсни фош қилиш ҳамда айбданувчи тариқасида ишга жалб қилиш, жиноятни содир этишга ёрдам берувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек, жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мақсадида терговчи, суриштирувчининг иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолиятдир.

Дастлабки тергов жараёнида ҳақиқатни аниқлаш учун муайян ҳолатларда далиллар махсус билимларга эга шахсларнинг ёрдамида тўпланади ва бу процессуал ҳаракатлар экспертиза тайинлаш ҳамда ўтказиш орқали амалга оширилади. Шу



тариқа дастлабки тергов жараёнида терговчининг экспертиза муассасалари билан ҳамкорлиги вужудга келади.

Ҳозирда дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичида кенг фойдаланилаётган экспертизанинг замонавий имкониятларидан бири одам ДНК (дезоксирибонуклеин кислота)си ёрдамида айбланувчиларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ҳоллари кузатилмоқда.

Одам ДНК суд-биологик экспертизасининг предмети бўлиб, замонавий молекуляр – генетик услубларни қўллаш орқали одамнинг биологик объектлари тадқиқ қилинади ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотлар аниқланади. ДНК–хужайранинг ядро қисми ҳамда митохондриларда мавжуд бўлади.

Суд-биологик экспертизасининг объектлари сифатида ҳодиса содир бўлган жойдан ёки эксперт текшируви учун тергов ҳаракати натижасида олинган кийимлар, сигарета қолдиқлари, ичимлик идишлари, қон доғлари, сўлак доғлари, соч толалари ва бошқа ажратмалар, тана бўлаклари намуна бўлиши мумкин.

Одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси қуйидаги 3 турда юзага келаётган муаммоларни ҳал этади:

1) Идентификацион масалалар: ашёвий далилардаги биологик материалларни солиштирма намунага таққослаш орқали шахсини аниқлаш, номаълум мурда тана бўлақларининг бир шахсга тегишлилигини аниқлаш, шахсни айнанлаштириш учун генетик паспортларни лаборатория маълумотлари базасига киритиш ва бошқалар;

2) Диагностик масалалар: биологик оталик ёки оналикни аниқлаш, ота авлод орқали ёки она авлод орқали қариндошликни аниқлаш ва бошқалар;

3) Классификацион масалалар: биологик объектнинг келиб чиқишини, жинсий мансублигини аниқлаш ва бошқалар.

Мамлакатимизда экспертизанинг замонавий имкониятларидан бири ҳисобланадиган «Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси» лабораторияси 2000 йилда ташкил этилди.

У хуфиёна содир этилган жиноятлар бўйича жиноятчи ва жабрланувчини шахсини аниқлаш, муаммоли низоларни ҳал этишда ушбу экспертизанинг аҳамияти бекиёсдир. Ўз таркибида ДНК маълумотларини сақлайдиган хар қандай одам биологик материаллари, жумладан, қон, сўлак, сочлар, тўқималар, органлар, оғиз бўшлиғидан олинган суртмалар, ажратмалар, тишлар, аборт қилинган материал, мурда объектлари, суяклар ва суяк фрагментлари, юмшоқ



тўқималар одам ДНКси суд-биологик экспертизаси объектлари ҳисобланиб, улар тергов ҳаракатлари натижасида олинади.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, ҳозирда тергов қилиш сифатини ошириш ва тайинланган экспертизаларнинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб рецидив, уюшган ва халқаро жиноятчиликка қарши курашишнинг кучли воситаси ДНК бўйича маълумотлар баъзасини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

«Геном маълумотлари баъзаси» ва «Уюшган жиноятчилик ва рецидив жиноятчилиكنинг ДНК бўйича маълумотлари баъзаси»ни яратилиши аввал очилмай қолган жиноятларни очилишига, ҳаракатдан тўхтатилган жиноят ишлари бўйича бедарак йўқолган шахсларни изларини излаш, уларни тезкор криминалистик ҳисоблардан текшириш, кўп эпизодли жиноятларда жиноятчи шахсига оид белгиларни текшириш ва уларни таққослаш, шахсига аниқлик киритишнинг имкони бўлмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш имкониятини яратади.

Экспертизанинг замонавий имкониятларига кўшимча равишда яна 2011 йилдан юртимизда жорий қилинган биометрик фуқаролик паспортларини ҳам киритишимиз мумкин. Бунда биометрик паспорт олаётган ҳар бир фуқаронинг бармоқ излари фуқаролик паспортига жойлаштирилади. Бу бўйича ҳар бир эксперт-криминалистика муассасаларида тезкор криминалистик ҳисоблар юритилади.

Сўнги йиллар мобайнида суд экспертизасининг имкониятлари кўп жиҳатдан кенгайди. Бу соҳада қўлга киритилган муваффақиятлар тадқиқотнинг янги турларини вужудга келтирди ва бу тадқиқотларни олиб боришга имконият яратди. Бу ўринда Республикаimizдаги суд ва тергов аппаратларининг сифат жиҳатдан янгиланганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» қурилмалари ҳақида маълумот беришда, «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» қурилмаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланамиз. Бундай қурилма биринчи бўлиб 1995 йилда ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» нинг бир машинали ва тармоқ мажмуалари Россиянинг 25 йирик шаҳарларида ҳамда дунёнинг 12 мамлакатлари – Ўзбекистон, Озарбайжон, Албания, Бангладеш, Босния ва Герцоговина, Эрон, +озоғистон, Монолия, Нигерия, Польша, Сербия ва Преднеcтровьянинг эксперт-криимналистика хизматлари фаолиятида қўлланилади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» қурилмаси баллистика экспертизаси соҳасидаги илмий тадқиқотларга асосланган



ҳолда доимий ривожланиб бормоқда. Ушбу қурилма ёрдамида автоматлаштирилган таққослаш тадқиқотларининг ишончилиги ортади, баллистик турдаги тадқиқотларнинг ўтказишда замонавий ва такомиллашган техник воситалардан фойдланиш имконияти вужудга келади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» тизимининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Ички ишлар идоралари Эксперт-криминалистика хизматлари ҳиссида турган ўқотар қуролларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базасини яратиш;
2. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган, отилган ўқ ва гильзаларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базасини яратиш;
3. Ўқотар қуролларни, отилган ўқ ва гильзалардаги изларга кўра айнанлаштириш мақсадида, қидирув ва таққослаш тадқиқотларини автоматлаштириш.

Ушбу вазифалар отилган ўқ ва гильзаларда ҳосил бўлган излар акс этган тасвирларни ўз ичига олган маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда ушбу маълумотлар базасига киритилаётган ҳар бир из тасвирини, базадаги мавжуд изларнинг тасвири билан автоматик таққослаш йўли билан амалга оширилади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» қурилмасининг замонавий турларида бир қатор техник қарорлар ва Папилон инновациялари киритилган. Улар бу қурилмаларнинг аввалги турларига ҳамда жаҳон бозорида тақдим этилган бошқа «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» қурилмаларига қараганда янада такомиллаштирилган.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» қурилмаларини такомиллаштириш бўйича Папилон инновацияларининг таъсири ушбу «Арсенал» қурилмасини сифатий ва эксплуатацион хусусиятларини сифатини орттиришга ҳамда Эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятига кенг жорий этишга йўналтирилган.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» қурилмасини Эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятида қўллаш ўқотар қуроллар ишлатилиши билан боʻлиқ жиноятларни тергов қилиш ва очишда отилган ўқ ва гильзаларни тадқиқотларини янгича сифат даражасида ўтказилишини, баъзасида юз минглаб объектлари бўлган электрон ўқ-гильзатекалар яратиш имкониятини беради.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС) – Арсенал» қурилмалари ёрдамида яратиладиган электрон баъзалар ва ҳозирги кунда ривожланиб бораётган коммуникацион тармоқлар баллистик турдаги тадқиқотлар жараёнида



керак бўладиган барча турдаги маълумотлар ва ахборотлар алмашинувини жаҳон миқёсида амалга ошириш имконини ҳам яратади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» нинг баллистик тадқиқотларни ўтказишдаги ўрни ва аҳамиятига келсак, ушбу тизимнинг юқорида таъкидланган имкониятларидан келиб чиқиб, экспертга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш осонлашади:

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимининг тадқиқ этилаётган объектлар тасвирларни айнанлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда тавсиялар рўйхатини автоматлаштирилган қидирув натижаларини таҳлил қилиш асосида, ушбу тизим экспертга, тизимнинг маълумотлар базасида тадқиқотга тақдим этилган қуролдан отилган ўқ (гильза)лар мавжудлиги бўйича хулоса чиқариш имконини беради ва бу билан бирга:

– Тадқиқотга тақдим этилган ўқ (гильза)ни рўйхатга олиш жараёнида, ушбу объектлар, «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимининг криминал объектларни сақлаш бўлимида мавжуд бўлган ўқ (гильза)лар билан мос эканлиги аниқланган тақдирда – тадқиқотга тақдим этилган ўқотар қурол ва унинг эгасини текширилаётган жинойт ҳодисасига алоқадорлигини аниқлаш имкониятини яратади;

– Агар, «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимидан қидирув натижасида, ҳодиса жойидан ёки айбланувчи (гумон қилинувчи, жинойтчи)дан олинган ўқ (гильза)лар маълумотлар базасида мавжуд бўлган ўқ (гильза)ларга мос келиши аниқланса – жинойтга алоқадор ўқ (гильза) отилган ўқотар қурол ва унинг эгасини аниқлаш имкониятини яратади;

– «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимининг криминал объектларни сақлаш бўлимида мавжуд бўлган бир неча ўқ (гильза)ларнинг ўзаро мос келиши аниқланса – бир турдаги ўқотар қуролдан содир этилган бир неча жинойтларни бирлаштириш имкониятини яратади.

«Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимининг юқорида таъкидланган кенг имкониятлари экспертга қуйидаги вазифаларни бажарилишини осонлаштиради:

– Тадқиқотга тақдим этилган (текширилаётган) ўқотар қуролнинг мил каналининг ҳолати ва ейилиш даражасини ҳамда ўқларнинг сиртидаги изларга қараб, милнинг индивидуал белгиларини аниқлаш вазифаларини;

– Отилган гильзалардаги изларга қараб, текширилаётган қурол мили каналини из ҳосил қилувчи механизмларининг шакли, ўлчамлари ва ўзаро жойлашишини аниқлаш вазифаларини;



– Экспертиза тадқиқотлари бўйича сифатли ва талаб даражасидаги фотожадваллар тайёрлаш вазифаларини.

Юқоридагилардан ташқари, «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимида тадқиқот объектларини кодлаш функцияси бажарилганидан сўнг, тизимнинг маълумотлар баъзасига киритилаётган излар тасвирини ушбу маълумотлар баъзасида олдиндан мавжуд бўлган (олдинроқ киритилган) излар тасвири билан ишончли ва аниқ тарзда айнанлигини текширади, сўнг экспертга ўзаро энг ўхшаш бўлган объектларнинг рўйхатини таклиф этади.

Хулоса қилиб айтганда «Автоматлаштирилган баллистик айнанлаштириш тизими (АБИС)» тизимининг баллистик тадқиқотларни ўтказишдаги ўрни ва муҳим аҳамияти шундаки, ушбу тизим компьютер техникаси ва технологиялари жуда ҳам ривожланиб бораётган ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика хизматларида «Экспертнинг автоматлаштирилган иш жойи» (ЭАИЖ)ни яратишга имкон беради.

Ҳозирга кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда «Экспертнинг автоматлаштирилган иш жойи» (ЭАИЖ) дастурлари, яъни: турли криминалистик объектлар тасвирларининг таҳлил этиш ва уларга ишлов бериш вазифаларини ҳал этиш имконига эга бўлган кўп функцияли дастурий комплекс; субъектив портретлар тузиш ва қидирилаётган шахсларнинг маълумотлар баҳасини сақлаш бўйича, тўлиқ ёки қисман аниқланган аломатлар бўйича маълумотлар олиш имконини берадиган автоматлаштирилган дастурлар; кимёвий таркиби бўйича металлларни аниқлаш имконини берадиган маълумотли-қидирув тизими; ўсимлик келиб чиқишига эга бўлган наркотик моддаларнинг таркибини аниқлаш учун сифатий эмиссион-спектрал таҳлилнинг методикаси; ўточар қуроллар бўйича маълумотли тизимлар; объектларни ўқ ва гильза текаларга жойлаштириш ва улар билан бевосита ишлашнинг автоматлаштирилган қайд этиш журнали; қўлнинг тури ва таркибини унинг физикавий-кимёвий таркиби бўйича аниқлашнинг автоматлаштирилган методикаси; идентификация қилиш мақсадида фотосуратларни таққослаш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлар ва ҳоказолар ташкил этилган. Ушбу таъкидланган автоматлаштирилган методика ва тизимларни эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятига тадбиқ этиш борасида фикр юритишга асос бўлиб, бундай методика ва тизимларни, жуда кўплаб мамлакатларда тадбиқ этилишидир. Бу эса ўз навбатида ҳамкорликда вужудга келаётган муаммоларни бартараф этган ҳолда, тергов ишини осонлаштириб, келгусидаги ҳамкорликнинг истикболларини белгилаб беради.

Терговчининг юқорида санаб ўтилган автоматлаштирилган ҳисобдаги маълумотлар бўйича амалга оширадиган эксперт-криминалистика органлари билан ҳамкорлиги қуйидаги вазиятларда асосий ўринни эгаллайди:



1. Жиноят содир этиб, ходиса содир бўлган жойдан яширинган шахсларни аниқлашда;
2. Содир эитлган жиноятда гумон қилинаётган шахснинг дахли бор ёки йўқлигини;
3. Тузилган тусмолларни текширишда;
4. Дастлабки терговни режалаштиришда.

Воқеа жойидан топилган бармоқ излари мазкур ҳисоблар орқали текширилиб кўрилади ва бу тергов ишини осонлашишига ёрдам беради. Чунки ҳар қандай профессионал жиноятчи ҳам воқеа жойидан из қодирмасдан кета олмаслиги ҳаммага маълум.